ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №78/ВР

Самарқанд шаҳар **«13» декабр 2022 йил**

Ушбу шартномага асосан бир томондан **"BASSEYNPLAST" МЧЖ** директори **Ш.Очилов** (кейинги ўринларда «Маҳсулот етказиб берувчи») ҳамда иккинчи томонидан **"TABOBAT JAVOHIRI OAS" МЧЖ** директори **С.Турсунов** (кейинги ўринларда «Сотиб олувчи») ўртасида тузилган ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузидилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Маҳсулот етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни шартномага илова спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда шартнома суммасини тўлаш мажбуриятини олади.

сум

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	ҚҚС 15%	Жами ҚҚС билан
1	Тўртбурчак шаклда полипропилен асосида пластик эко-лоток, радиал бўрчаклар билан. Металл каркассиз. Ички / ташки ўлчамлари: **L-2500/2720мм, B-900/1120мм, H-600мм, S-10мм, V-1,35м3.** Жойлаштириш тури: металл каркас ичида. Вазифаси: зулук сақлаш учун. Қарши шаҳаргача етказиб бериш билан.	дона	2	7 500 000	15 000 000	2 250 000	17 250 000
	Жами:	**X**	**X**	**X**	**15 000 000**	**2 250 000**	**17 250 000**

2.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартномапинг умумий сўммаси : **17 250 000 (ўн етти миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади.**

2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан юқорида кўрсатилган умумий сумманинг тўлов жадвал бўйича тақсимланган суммасининг 30%ни ёки **5 175 000 (беш миллион бир юз етмиш беш минг) сўм** олдиндан, Товар (маҳсулот) етказиб беришга тайёр бўлиши ҳақида Сотиб олувчига хабарнома берилиб, ҳисоб-фактура (ёки бошқа тасдикловчи ҳужжат) тақдим килингандан сўнг қолган 70%ни ёки **12 075 000 (ўн икки миллион етмиш беш минг) сўм** 5 (кун) давомида амалга оширилади. Шартнома бўйича 100% тўлов амалга оширилгандан сўнг, Товар (маҳсулот) Сотиб олувчига етказиб берилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Маҳсулотни ишлаб чиқариш муддати: **олдиндан 30% тўлови амалга оширилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида ишлаб чиқарилади.**

3. ТОВАР (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

3.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.2. Маҳсулот етказиб берувчи тўпламда яроқсиз маҳсулот мавжудлиги ҳақида ҳабар олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.

3.3. Маҳсулот етказиб берувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини 2 йил муддати билан тақдим этади.

3.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан кафолатли мудаат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Маҳсулот етказиб берувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Маҳсулот етказиб берувчи уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган ҳолда 10 кун ичида яроқсиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

4.4. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик ҳолида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

5.2. Маҳсулот етказиб берувчи:

а) Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида Сотиб олувчига ҳизмат кўрсатиш ва маҳсулот етказиб бериш.

б) Маҳсулот етказиб берувчи шартномада курсатилган маҳсулотни тўлик бермаса ёки беришдан бош тортса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05% миқдорда пеня тўлайди, Пеня миқдори умумий суммасининг 20% дан ошмаслиги лозим (хўж. юрт. суб. 25-моддаси).

в) Маҳсулот етказиб берувчи сифатли ва яроқли маҳсулотлар билан таъминлайди.

Д) Маҳсулот етказиб берувчи бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи) Маҳсулот етказиб берувчи (сотувчи) сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтда бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кун муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт. Бундан буён товарлар бутлаб берилгунга

кадар уларнинг хақкини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тулланган суммалар қайтарилиши талаб қилишга ҳакли (хўж. юрт. суб. 27- модда).

е) Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берилганлик учун Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматини 5% миқдорида жарима тўлайди Товарлар қабул қилингандан кейин яна жунатилиши ёки сарифлаши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришидан ташкари, ўз кучи билан лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни улашга ва идишларни жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги Маҳсулот етказиб берувчи товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир. (хўж. юрт. суб. 28 - модда).

5.3. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

а) Сотиб олувчи олинган маҳсулотни қийматини шартномада келишилган муддатда тўланмаса тўловдан бош тортса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05% миқдорда пеня тўлайди. Пеня миқдори умумий суммасининг 20% дан ошмаслиги лозим. (хўж. юрт. суб. 28-моддаси).

б) Сотиб олувчи товарларни олиб олмаслик, шунингдек Маҳсулот етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (давр) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз рад этганлик учун сотиб олувчи Маҳсулот етказиб берувчига талаб олинмаган ўз муддатида олинган товарлар қийматининг 5% миқдорида тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10% миқдорда жарима тулайди (хўж. юрт. суб. 31-модда).

в) Шартномада назарда тутилган тўлов талабларини ўз вақтида амалга оширилади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Қонунчилик палатаси томонидан 28.11.2013 йилда қабул қилинган Сенат томонидан 12.12.2013 йилда маъқулланган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари" низом (2850-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатидан ўтказилган)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва **2023 йил 31 январгача амалда бўлади.**

Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- Форс-мажор холатларида.

7. ФОРС-МОЖОР (ФАВҚУЛОДДА) ХОЛАТЛАР

7.1. Агар шартноманинг бажарилмаганлиги шартнома тузилгандан сўнг юзага келган сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар, уруш харакатлари каби холатлар оқибат ҳисобланса, бирорта томон ҳам ушбу шартнома бўйича ҳар қандай ўз мажбуриятларининг тўли: ёки қисман бажарилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.

Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда даъвогар жойлашган манзили бўйича иқтисодий судида хал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«BASSEYNPLAST» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, Самарканд вилояти, Самарқанд шаҳар, М.Улуғбек кўчаси, 105.
Х/р: 2020 8000 200 371 561 001
Банк: ОАТ «Турон банк», бош офиси
МФО: 00446
СТИР: 303 005 077
НДС коди: 318 010 029 461
ОКЭД: 22290
Телефон: (99890) 977-00-10; 188-00-10

Директор: _____ **Ш.Очилов**

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

«TABOBAT JAVOHIRI OAS» МЧЖ

Манзил: Кашқадарё вилояти, Нишон тумани

ШҲР: 3028 1086 0102 2470 1530 0254 001
Банк: Марказий банки, Тошкент шаҳар ХККМ
МФО: 00014 СТИР: 308 945 068
Ғазначилик бўлим номи: УзРес молия вазирлиги ғазначилига
Ғазна х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Банк: Марказий банки, Тошкент шаҳар ХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик бошқармаси СТИР: 201 122 919

Директор: _____ **Ж.Турсунов**

ХУКУКШУНОС: _____

«____» _____ 2022 йил